

Кўмита раиснинг ўринбосари бош-мухандис: О. Адиловнинг 2017 йилнинг 24 апрель куни Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманидаги маърузаси

2017 йилнинг 24 апрель куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Равон автомобиль йўллари – инсон манфаатларининг муҳим омили" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат кўмитасининг маърузаси

Ассалому алайкум хурматли анжуманқатнашчилари!

Бугунги кунда Республика автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 184минг км дан кўпроқни ташкил этади. Жумладан:

Умумфойдаланувда бўлган автомобилйўллар тармоғи - 42695км;

Минтақавий автомобиль йўллари(ички хўжалик автомобиль йўллари, шаҳар, шаҳар типидagi посёлкалар, қишлоқ ватуман марказлари кўчалари)-116560км;

Идоравий инспекторлик йўлларитармоғи – 24750км ни ташкил этади.

Республикадаги умумий фойдаланишда бўлган автомобил йўллари тармоғи ўз навбатида Халқаро аҳамиятдаги (3981км), давлат аҳамиятидаги (14105км) ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари (24609км) га бўлинадилар.

Жорий йилнинг 14 феврал куни хурматли президентимиз томонидан "Йўлхўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони қабул қилингунга қадар республикадаги мавжуд автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларига Республика йўл жамғармаси ҳамда маҳаллий хокимиятлар тизимидаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари ва туман ободонлаштириш бошқармалари буюртмачилик вазифасини амалга ошириб келарганлар. Фақатгина умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларига "Ўзавтойўл" ДАК тизимидаги ташкилотлар буюртмачи вазифасини бажарарэди.

Минтақавий автомобил йўлларига ҳар бир туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи

ролини бажариб ўз техник сиёсатини юритар эди бундай буюртмачиларсони республика бўйича 198 тани ташкил этган.

Бу эса ўз навбатидалойиҳалаштириш, куриш ва таъмирлаш ишларида номутаносиб бўлган сиёсатниюрителишига ва ўз навбатида йўллар сифати ёмонлашишига ҳамда унинг нархларинингкескин фарқланишига олиб келган. Шунингдек ушбу корхоналарда йўлсоз мутахасисларетишмовчилиги тизимни бошқарилишида салбий таъсир қилган.

Мазкур фанмонга қадарРеспубликада 190 дан ортиқ йўл эгалари бўлиб, булар туман ва шаҳар ҳокимлари, "Ўзавтойўл" ДАК ва бошқа мутассади идора ва вазириликлардир.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини 70 дан ортиқ лойиҳа ташкилотлари бажариб келган бўлиб, буларнинг аксар қисмида йўлсоҳасида тажрибаси деярли бўлмаган.

Пудрат ишларида 300 дан ортиқ йўл соҳасида тажриба, салоҳиятга эгабўлмаган пудратчи ташкилотлар иш юритганлар, бу эса тўғридан тўғри йўл қурилишва таъмирлаш сифатига салбий таъсир кўрсатиб келган.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, куриш ва фойдаланиш жараёнигакомплекс ёндашиш ва уни самарали бошқариш тизимини яратиш ҳамда лойиҳалаш вақурилиш ишларини сифатини ошириш шунингдек, тўлақонли буюртмачи хизматинияратиш мақсадида хурматли Президентимиз томонидан йўл хўжалик тизимини янадатакомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида фармон қабул қилинди.

Бу фармонга асосан "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси негизида янги Ўзбекистон Республикаси давлатавтомобиль йўллари кўмитаси ташкил этилди.

Ушбу фармонга асосан йўл тизимидаягона техник сиёсатни юритувчи орган бу автомобиль йўллари давлат кўмитаси этиббелгиланди. Кўмитанинг қошида ягона буюртмачи тизими яратилиб Республикада таъмирланаётганҳамда қурилаётган йўлларга ягона буюртмачи ташкилот этиб белгиланди.

Умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ҳамда Минтақавий автомобильйўлларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳачи ташкилотлар- "Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ ва "Боштранслоиҳа" АЖ белгиланди.

Ушбу кўмита эндиликдаРеспубликадаги барча автомобиль йўлларини техник сиёсатини олиб бориб, унингтехник ҳолатига жавоб беради. Бу эса ўз навбатида қурилаётган йўлларимиз сифатива ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга тизимни янги босқичларгачиқилишига ёрдам

беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2009 йил 22 апрелдаги "2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чоратadbирларитўғрисида" ПҚ-1103 сонли ҳамда 21 декабрь 2012 йилдаги "2011-2015 йиллардаинфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириштўғрисида"ги ПҚ-1446) Қарорларига асосан бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистрални қурилиши давом этмоқда. Миллий магистралнинг умумий узунлиги 2755 км ни ташкил этади. 2017 йилда магистралнинг 181,7 км қисми битказилиб фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

2017 йилда умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, қайта қуриш ватўла таъмирлаш дастури бўйича 2017 йилда 260 км йўлда қуриш ва қайта қуриш ишлари бажарилса, 332 км йўлда тўла таъмирлаш ишлари олибборилади. Бу иш турлари учун жаъми 1334.0 млрд сўм пул маблағи ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "2017-2018 йилларда минтақавий йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ 2775-сон қарорига асосан ички хўжалик автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуллар кўчаларини тўла ва жорий таъмирлаш Дастури бўйича 2017 йилда 2700 км минтақавий автомобил йўллари таъмирлаш ва қуриш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 326,01 млрд сўм ажратилган. Бу республика миқёсидаги 3853 та кўча таъмирланадигани. 2018 йилда эса 2750 км йўллар таъмирланиши режалаштирилган.

Албатта юқорида айтиб ўтилган объектларни қуриш ва таъмирлашда энг аввало йўл сифатини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Буларга кўра олдимизга қўйилган асосий режалар қуйидагича:

- Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар (асфальтобетон, цементобетон, темир-бетон маҳсулотлари) ва қурилиш материалларининг сифатини ошириш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини капитал таъмирлаш ва босқичма-босқич янгилаб бориш;
- Йўл қурилиш ва таъмирлаш ишларида бор техникаларни таъмирлаб, замонавий йўл қурилиш техникаларини харид қилишни жадаллаштириш;
- Йўл қурилиш ва таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиш мақсадида "Давархитектназорат" инспекцияси билан бирга, муқобил ва мустақил лабораторияларни жалб этиб, сифат бўйича назоратни кучайтириш.

Шунингдек йўл қурилишда сифат даражасини ошириш мақсадида янги технологиялар тайёрланиб соҳага тадбиқ қилинмоқда, жумладан:

- Автомобиль йўллари асослари М-75 ва М-200 маркали босиб зичланадиган бетондан

қуриш бўйича тажриба синовдан ўтказилиб, амалиётга тадбиқ этилди. Мазкур йўналишда тегишли меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси томонидан тасдиқланди.

- Автомобиль йўлларининг ажратиш минтақаларида ва баланд кўтармаларда ўрнатиладиган темир-бетон тўсиқлар ўрнига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан металл барьер тўсиқлар ўрнатилиши йўлга қўйилмоқда.
- Автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлашда йўл қопламаларини ёриқга чидамлилиқ ва мустаҳкамлигини ошириш мақсадида геотўрлар, геомембраналар ва геотекстиллардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

2017 йилнинг биринчичорагида ҳам кўмита томонидан бир қанча ишлар бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунга қадар:

- } Инвестиция дастури бўйича 59,7 млрд. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди;
- } Капитал таъмирлаш дастури бўйича 9,4 млрд. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш олиб борилди;
- } Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бўйича эса 195,3 млрд. сўмлик миқдордаги ишлар бажарилди.
- } 710 километрдан ортиқ умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаб ҳолати яхшиланди.
- } 1255,6 км минтақавий йўллар таъмирланди.

Шунингдек айтиш керакки, кўмита таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан Тошкент шаҳридаги 23 та кўчада тўла таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Жумладан Шукур Бурхонов, Талабалар, Мойқурғон ва Мухбир кўчаларида қурилиш ишлари якунланди. Қолган кўчаларда ишлар давом этмоқда.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Қўмита раиснинг ўринбосари бош-муҳандис:О. Адиловнинг маърузаси
